

Шартнома — лафз демакдир

Бой берилган фойда

Карзингиз анча, ариндош?

Ҳаёт МЕЗОНИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



# Инсон ва қонун

№ 12 (519) 2007 йил 27 март сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## Яхши одам — кўзидан, янги йил — Наврўзидан

маълум, — дейди доно халқимиз

Табиат жонланди, борлик яшнади. Уйғониш фасли жисму жонимизга яратиш, яшатиш иштиқини солди. Гузаллик, нафосатнинг элчиси баҳор қалбларга мунавварлик олиб кирди. Еру кўни титратган алёр тоғу далаларда, шаҳару қишлоқларда Наврўз сайлидан дарақдир. Бир-бирга гал бермай чопайётган болакайлар қувончидан дунё масрур. Соқларига толбаргак таққан қиз-жувонлар лапарларидан ажиб туйғуларнинг саси таралмоқда.

Бугун ҳар гўшада байрам. Одамлар кўзларида, юзларида, ҳаётида байрам шухуи акс этган. Хар бир қалбни қувончга тўлдирган бу айём сайларни ҳали узок давом этади. Ахир, бу дамларга осонликча эришилгани йўқ. Бунинг қадри осмон қадар баланд. Унинг баҳоси ҳеч бир мезон билан ўлчанмайди. Шафқатсиз тарих қадриятлари топталган, урф-одатлари, удумлари оёқости бўлган миллатга бу Наврўзидан шунчаки ҳаёда этмаган. Жасратни, матонатни талаб қилган тарих!

Низолар авж олган, миллатлараро тотувликка дарз кетган, тоталитар тузумнинг мустабит сибсати минглаб инсонлар бошига қуфат ёғдираётган, Наврўз — ўтмиш саркити, хурфот деа таъкиб қилинаётган бир пайтда, яъни 1990 йилнинг бошларида «21 март — Наврўз» миллий байрам кунини дам олиш кунини қилиб белгилаш тўғрисида» қарорнинг эълон қилиниши, шу вақтнинг ўзида бу байрамга миллий байрам мақомининг берилиши чин маънодаги матонатнинг, жасратнинг тимсоли эди.

Аслида Наврўз азалдан низолағар бағрам беришга, одамларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлишига, ҳамжихат яшашига замин яратган. Шундай бўлди ҳам. Одамлар қалбидан янгидан умид уқунлари ёвди. Яхши яшашга, фаровон ҳаёт кеңиришга ишонч пайдо бўлди. Адоват ва хусуматлар унутилди, катта-ю кичик бир-биридан иззат кўрди. Наврўз умумий миллий байрами халқимизнинг азалий айёми сифатида қайта қадр топганлиги тарих саҳифалари шонли воқеа бўлиб битилди.



21 март Наврўз умумий миллий байрам сифатида бутун республика миқёсида кенг нишонлана бошланди. Теран илди эртан, тарихи қадим «Авесто» замонларига бориб туташадиган бу айём оммавий сайларга уланиб кетди. Хашарлар бошланди, қўчалар, хиёбонлар овод бўлди, боғу роғлар яшнаган, гузарлар, маҳаллар кўркам гўшага айланди. Яшатиш, яратиш одамлар ҳаётига мазмун киритди.

Бугун ҳам ҳар юракда, одамлар руҳида байрам. Бирдамликни, елкадошлиқни, ҳамжихатликни азалий одати деб билган миллатнинг улуг байрами! Эҳтиёжманднинг хожатини чиқариши, муҳтожларга кўмак бериши, кекса-ю ногиронларга ёрдам қилини чўзиш каби туйғулар кон-қонига сингиб кетган халқнинг айёмидир, бу Наврўз. Жамиятда тобора қадр топаётган бу эзгу вазифалар мамлакатни ижтимоий-сиёсий мустақамлланишига ҳам муҳим урин тутмоқда. Бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, ба-

ҳамжихат яшаш, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиш каби қадриятлар барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг омилли бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги таъбир сўзида қайд этилганидек: «Айнан мана шундай маънавий иқлим охириги йилларда мамлакатимизда қўлга киритилган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришида, ҳеч шубҳасиз, энг кучли замин ва гаров бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз».

Дарҳақиқат, ҳали ҳамон Ер юзидан тараққиёт неъматларидан бебахра эллар, ўтмиши билан фахрлана олмайдиган авлодлар, тарихини билмаган халқлар, бугунги билан яшайдиган юртлар қўллаб топилди. Тафаккур ривожини ибтидоий даражада қолиб кетган қавмлар, ижтимоий муҳити қоқлик

исканжасидаги элларлар бизга заминдош бўлиб яшайди. Ҳамон турли низолар, зиддиятлар, гоҳо диний, гоҳо сиёсий, гоҳо миллатлараро моҳоролар авж олаётган юртлар дунёда қўллаб топилди. Ана шундай турли глобал таҳдидлар инсоният ҳаётига раҳна солаётган бугунги кунда иқтисоди барқарор ўсиб бораётган, халқлари тотув-инқилбда яшаётган, барчага ўрнак бўлган, ўзгаларнинг-да ҳавасини келтирадиган даражадаги тинч-фаровон мамлакатга фақатгина ҳавас қилиш керак, ҳолоқ. Аслида ҳам одамга кўп нарса керак эмас. Унинг эркинлиги қўлида бўлса бас, муқаддас туйғуларни топталмас бўлгани. Шунда у тинч ва фаровон ҳаёт кеңира олади. Сўзида завлор бўлади, қадимидан ўт қақнайди, ҳаётига мазмун қилади. Уни ҳеч ким енголмайди. Узлигини англаган, хурлиги, эркинлиги қўлида бўлган миллатнинг эса ҳар кун байрамдек ўтади.

Бугун қай манзилга борманг, ҳамон байрам нафасини тўясиз.

Аслиднинг АБДУЛАЗИЗ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда

## Ижтимоий ҳимоя ва унинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тараққиётнинг бешта тамойилга таянган ҳолда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлади. Ушбу тамойиллардан бири бозор иқтисодиётига ўтишда кучли ижтимоий сийсат юргизишдир. Бинобарин, аҳолининг кам таъминланган, ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, қариялари, боқувчисидан ажралган бола-ларини ижтимоий муҳофиза қилиш ўзбек халқининг асрлар давомида шақлланган қадриятларидан саналади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 14 йиллигига бағишланган маърузасида 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилиб, бозор шароитида, биринчи қадам, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича кенг миқёсда ишларини давом эттириш лозимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 23 январда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қароридан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжихатлик, эъзулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиши белгилаб берилди.

Албатта, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалга оширишда, аввало, зарур ҳуқуқий механизмларни шак-

Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бераётди. Зотан, суд органларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти улар томонидан чиқариладиган қарорларнинг адолатли, тўғри ва қонуний бўлишига, энг асосийси, ижросига бевосита боғлиқдир.

## Таҳлил ва таклиф

Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида суд ва бошқа органлар қарорларининг ижроси билан боғлиқ баъзи бир камчиликларга тўхталиб, шундай деб таъкидлади: «Суд қарорларининг муқаррар равишда бажарилишини таъминлашда Суд қарорлари ижроси департаменти фаолиятининг самарасизлиги жиддий камчилик бўлиб қолмоқда».

2006 йили республикада ушбу тизимни мустақамллашга юзасидан кескин чоралар кўрилди, унинг қадрлар таркиби деярли тўлиқ янгиланди, суд ижрочилари сони қўпайтирилди, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тадбирлари белгиланди.

Бироқ, афсуски, қабул қилинган суд қарорлари ижросини таъминлаш чоралари ҳалигача аниқ амалий натижа бераётгани йўқ, бу қарорларнинг аксарияти оялб, ҳатто йиллаб бажарилмасдан қолмоқда».

Дарҳақиқат, энг муҳим масала судде иш юритишни қонунда белгиланган барча процессуал ҳаракатлардан фойдаланиб тўғри тақдил этишдир. Бу борада, албатта, биринчи навбатда суд, прокуратура ва бошқа тегишли идоралар, фуқаролар олдига катта масъулият юзата қелади. Айниқса, бу вазифани амалга оширишда судьялар ўзининг барча қонуний имкониятларидан тўла фойдаланиши керак. Зеро, суд қарорининг қонуний, адолатли чиқарилиши унинг ижросини таъминлашнинг пойдеворидир. Суд қарорининг қанчалик адолатли чиқарилиши эса қонунийликда белгиланган процессуал ҳаракатларга боғлиқдир.

Суд юритувчи ишни қабул қилишда, аввало, ишни қўриб чиқиб ҳал қилиш масаласи қонунан ўз ваколатига берилган ёки

Дикқат янги рукн: Ижро масъулияти

## Қонун талаби у бажарилиши шарт

«Сантехгазмонтажстрой-УТС» шўъба корхонаси раҳбари Тўйчи Умаров қарий икки йилдан бунён «Гулистон шаҳар деҳқон бозори» ошқ. акциядорлик жамияти (бундан кейин — Деҳқон бозори ОАЖ-муаллиф) раҳбарлиги ҳузурига қатнаётган ҳолдан тойдим. Доимий тарзда бериладиган қоп-қоп вадалар-у, бориб-келаверишлардан бозор бўлиб кетганинидигани, ҳайтовур, ҳаммасига бирварақайига қўл силтамоқчи ҳам бўлди-ю, лекин бу тўғрйли корхонанинг кел-гуси режалари барбод бўлиши мумкинлиги, қолаверса, унга умид билан боқиб турган 20 га яқин ишчи-хизматчиларнинг ноҳор аҳволда қолишини ўйлади-да, сўнгги иллик билан вилоят адлия бошқармасига қараб йўл олди...

Шу ерда унинг Сирдарё вилояти адлия бошқармасига баған шикоятномасидан қўриқма келтириши лозим тоқдик.

«2004 йилда Гулистон шаҳар Деҳқон бозори маъмурияти томонидан қурилиш ишларини амалга ошириш мақсадида 214 миллион 792 минг 883 сўмга баҳоланган смета-лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, маъмурият ушбу лойиҳани ўрганиб чиқиб, ҳулосани айтиш учун бизга тақдим этди. У ўрганиб чиқилганда лойиҳа учун қорондигаги сўмма эмас, 110 миллион сўмлик қурилиш ишлари зарур эканлиги аён бўлди. Ҳулосамиз бозор раҳбариятига маълум тўқди, шеклиди 2005 йилнинг 25 май кунини қурилиш-пудрат ишларини олиб бориш учун ихтала томон шартнома имзоладик. Унга бизнинг биз 15 ва 18 савдо дастлабининг тўлиқ қўриб чиқилиши билан тасдиқланган. Шартноманинг 3.2 бандига асосан, буржоткам — деҳқон бозори ОАЖ умумий сўмманнинг 25 фоизини қурилиш моллари сотиб олишимиз учун ҳисоб рақамимизга олдиндан ўтказиб бериши ке-

(Давоми учинчи бетда)

## Қонун талаби у бажарилиши шарт

«Сантехгазмонтажстрой-УТС» шўъба корхонаси раҳбари Тўйчи Умаров қарий икки йилдан бунён «Гулистон шаҳар деҳқон бозори» ошқ. акциядорлик жамияти (бундан кейин — Деҳқон бозори ОАЖ-муаллиф) раҳбарлиги ҳузурига қатнаётган ҳолдан тойдим. Доимий тарзда бериладиган қоп-қоп вадалар-у, бориб-келаверишлардан бозор бўлиб кетганинидигани, ҳайтовур, ҳаммасига бирварақайига қўл силтамоқчи ҳам бўлди-ю, лекин бу тўғрйли корхонанинг кел-гуси режалари барбод бўлиши мумкинлиги, қолаверса, унга умид билан боқиб турган 20 га яқин ишчи-хизматчиларнинг ноҳор аҳволда қолишини ўйлади-да, сўнгги иллик билан вилоят адлия бошқармасига қараб йўл олди...

Шу ерда унинг Сирдарё вилояти адлия бошқармасига баған шикоятномасидан қўриқма келтириши лозим тоқдик.

«2004 йилда Гулистон шаҳар Деҳқон бозори маъмурияти томонидан қурилиш ишларини амалга ошириш мақсадида 214 миллион 792 минг 883 сўмга баҳоланган смета-лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, маъмурият ушбу лойиҳани ўрганиб чиқиб, ҳулосани айтиш учун бизга тақдим этди. У ўрганиб чиқилганда лойиҳа учун қорондигаги сўмма эмас, 110 миллион сўмлик қурилиш ишлари зарур эканлиги аён бўлди. Ҳулосамиз бозор раҳбариятига маълум тўқди, шеклиди 2005 йилнинг 25 май кунини қурилиш-пудрат ишларини олиб бориш учун ихтала томон шартнома имзоладик. Унга бизнинг биз 15 ва 18 савдо дастлабининг тўлиқ қўриб чиқилиши билан тасдиқланган. Шартноманинг 3.2 бандига асосан, буржоткам — деҳқон бозори ОАЖ умумий сўмманнинг 25 фоизини қурилиш моллари сотиб олишимиз учун ҳисоб рақамимизга олдиндан ўтказиб бериши ке-

(Давоми учинчи бетда)

MEZONЕ
Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарзор, ипотекага қўювчи ва гаров хатининг қонуний ағаси гаров хатининг ишлари белгиланган шартларини қилишуга қўра ўзгартиришлари мумкин. Бу ҳолда, шунингдек, ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганда қилишуга гаров хатини бекор қилиш ва шу билан бир вақтда тегишли ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда тузилган янги гаров хатини бериш назарда тутилиши керак.

Adliya tizimi
Ўқув машғулоти
Ўтган ҳафта Адлия вазирлигида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурига асосан ўтказиб келинаётган навбатдаги ўқув машғулотида «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 13 март сонидан чоп этилган журналист Улугбек Жамшид ўғлининг «Наврўз арафасидаги мутолаа ёхуд сибсатдаги собитлик тўғрисида сабоқлар» сарлавҳали мақоласи юзасидан давра сўхбати бўлиб ўтди.

Хоразм
Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларнинг ижтимоий турмушини мустақамллашга қўмақ, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаолиятини ошириш, мавқени кўтаришга ҳам хизмат қилади.

Андижон
«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Андижон вилоят Адлия бошқармаси томонидан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари жаёла олиб борилаётди.

200.000 сўмлик, Жалақудук туманида ўқиб турган олаётган 30 нафар болага ҳимойлар томонидан 145.000 сўмлик эсдалик совғалари топширилди. Бу ижтимоий ҳимоя йилида вилоятда олиб борилаётган эзгу ишлардан қилиб, ҳолоқ.
Хулоса қилиб айтганда, давлатда белгиланган вази-матлари ўз вақтида талаб даражасида бажариш биздан фаоллик ва фидойиликни талаб этади.
Озодбек ГОФУРОВ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда

# ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## ва унинг ҳуқуқий асослари

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларида моддий ёрдам бериш тизими такомиллаштирилиб, 2 ёшгача бўлган бола паравани билан машғул бўлиб, ишламаётган аёлларга ҳамда болали муҳтож оилаларга нафақа фуқароларнинг ўзини-ўзи боқариш органлари томонидан ижтимоий адолат ва ҳолислик тамойиллари ташкил қилинган ҳолда оиланинг даромадлари ва мулкӣ аҳолининг ҳисобга олиб тайинлаши ва берилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, 2007 йилнинг 1 сентябидан бошлаб кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун давлат бюджетдан ажратилган маблаглар 1,5 бараварга оширилиши ҳамда тайинлаш ва тўлаш муддати 6 ойгача узайтирилиши белгилаб қўйилди. Тўлов муддатининг узайтирилиши, шубҳасиз, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашга қаратилган алоҳида эътиборини натижага олиши.

Шунингдек, Фармонда 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб қобилияти ва ҳисомий ривожланиши чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда тахсил олаётган ўқувчи-ногиронларни бепул оқват билан таъминлаш тизимини жорий этилиши белгиланган. Бундай қоида ногирон болалар, уларнинг оилалари учун қўшимча мададлар.

Фармонда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қат-

лами, бинобарин педагоглар ва тарбиячиларга ҳам қўшимча имтиёзлар берилиши назарда тутилди.

Хусусан, жорий йилнинг 1 сентябидан бошлаб: «Мурувват» болалар меҳрибонлик уйларида тарбиячилари, ходимлари ва энага-ҳамшираларнинг ойлик иш ҳақи тариф сетка тоифаси битта табақага оширилиши ҳамда битта тарбиячи учун тарбияланадиган болалар сони 15-18 тадан 5-6 тагача камайтирилиши; «Меҳрибонлик» болалар уйлари, қариялар ва ногиронларнинг «Мурувват» ҳамда «Саховат» уйлари, қобилияти ва ҳисомий ривожланиши чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун мўлжалланган санаторийлар, ногиронлар реабилитация марказлари, уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси микдори меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 25 фоизига оширилиши белгиланди. Амалдаги қонун ҳужжатларида барча бюджет ташкилотлари ва муассасалари учун моддий рағбатлантириш жамғармаси меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 15 фоизини ташкил қилади. Фармонда белгиланган тоифалардаги ходимлар учун рағбатлантириш жамғармаси микдорининг оширилиши уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Фармонда юқорида кўрсатилган

ҳодимларнинг айрим тоифалари меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида 2007 йилнинг 1 июлидан:

- уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларининг ходимларига ўрнатилган тариф ставкасининг 15 фоиз микдорда устама тўлаши;
- уйда ижтимоий ёрдам бериш хизмати ходимлари ҳамда ногирон болаларини уйда ўқитадиган педагогларнинг йўл ҳақи учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 1, Тошкент шаҳрида 1,5 баравари микдорда компенсация пули берилиши белгиланди.

Фармонда ҳомийлик фаолиятини рағбатлантиришга ҳам эътибор қаратилган. 2007 йилда ҳужалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар томонидан ўзини-ўзи боқариш органларига муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш мақсадида ўтказадиган ҳомийлик ёрдамлари тўлалигича даромад солиғидан озод қилиниши белгиланди. Мазкур Фармон «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишнинг дастлабки ҳуқуқий механизминини шакллантирди. Унинг асосида амалдаги ижтимоий ҳимояга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади.

Нодиржон ЖҲРАЕВ,  
Адлия вазирлиги  
масъул ходими

Ер одамзотнинг битмас-туғанмас хазинаси. Ота-бобларимиз ер эл билан обод, эл эса ер билан, деб бежизга айтмаган. Ерни қадрасан, ардоқласан одам ҳеч қачон кам бўлмаган. Шунинг учун ҳам барча даврларда ерга давлатнинг асосий бойлиги сифатида қараб келинган. Унинг ҳар бир қаричини асраб-авайлаш, ундан унумли фойдаланиш махсус қонун-қондалар билан ҳимояланган.

Жумладан, Бош Қомусимизда ҳам фуқароларнинг ер ресурсларига нисбатан мажбуриятлари ўз аксини топган. Асосий Қонунимизнинг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табибий заҳиралар умуммиллий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деган қоида ўз ифодасини топган. Демак, давлатнинг ерга оид сийбати тамойил сифатида белгиланган.

Қувончлиси шундаки, бугунги кунда деҳқонларимизда мулкка, ерга эгалик ҳисси шаклланди. Бугун уларнинг дунёқараши ўзгариб, ер ва сув ресурсларига масъулият билан муносабатда бўлиш кўникмалари мустаҳкамланмоқда. Бу эса ўз навбатида қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлигидан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, ҳар қандай ғола, назария ва ислохот инсоннинг камолотига, турмушининг фаровонлигига хизмат қилмас экан, у ҳеч қачон ўзини оқламайди. Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳам айнан эл-юртимиз раънақини кўзлаб амалга оширилмоқда. Мисол учун, фермерлик ҳаракатини оилалик, фермерлик ҳаракатини оилалик ва аҳамияти беқисс, унинг келажаги бор. Аммо бу соҳада қувончи натижалар билан бирга турли камчиликлар, салбий ҳолатлар учраётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 15.443 та фермер ҳўжаликлари фаолият юрятапти. Қўзлаб фермер ҳўжаликлари ўз даромадлари ҳисобидан мактаб ва бочалар қурилишига ёрдам кўрсатапти. Ногиронларга, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга, қишлоқларни ободонлаштириш, спорт комплекслари қуриш ишларига қўмақлаштиради.

— Шўқрим, бугун ҳалол меҳнатига, пешона тери эвазига топаётган даромад ва бойлигимизга эски замондан қолган ёмон кўз билан қараш каби иллатдан қутулди. Даромадимиздан орттириб ҳайри, саховатли ишларга

### Tahlil va saboq

# Ернинг увуоли тутмасин



қил ураймиз, — дейди Пешку туманида «Ёқуб Фаттов» фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ёқуб Фаттов. — Шу тўрқда катта бўлганими, шу элнинг ош-нонини еганимиз, демак топганимизни ҳам юртдошлар билан баҳам қилиш инсоний бурчимиз.

Афсуски, баъзи фермер ҳўжаликлари эгу саъй-ҳаракатлар у ёқда турсин, ҳатто зиммасига олган шартнома мажбуриятларини ҳам баҳаролмайтди. Ҳолбуки, улар учун давлат томонидан уруғлик, ёқилги, ўғит ва кредит маблағлари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

2006 йилда Бухоро вилоят ҳўжалик судида вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси ва туман ҳокимликларининг фермер ҳўжаликлари билан тузилган ер ижара шартномаларини бекор қилиш бўйича 43 та даъво аризалари қўриб чиқилди. Мазкур аризаларнинг 41 таси қаноатлантирилди. Тўғрисида, фермер ҳўжаликларига бекор қилинган 1499,5 гектар ер майдонлари қайтариб олинди.

Масалан, Шофқирон туман ҳокимлиги 2006 йил 25 июлда «Бобоқуллоб» фермер ҳўжалиги билан ер ижара

шартномасини бекор қилиш юзасидан вилоят ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилган.

Ҳужжатлардан аниқлаштиришча, фермер ҳўжалиги туман ҳокимининг 2004 йил 2 мартдаги 141-сонли қарори билан ташкил этилган. Унга «Вардонзе» қишлоқ фуқаролари йиғини худудидан

экинга сифатсиз тайёрланган, рисоладагидек текисланмаган. Чигит белгиланган агротехник муддатлардан кечиктириб экилган. Натигада қўчатлар сийрак униб чиққан. Сугориш муддатларида риюя қилмаган. Оқибатда...

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 15-банди 3-таъбиҳотида му-

вофиқ, ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, типорқун умдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш, ҳўжалик фаолияти натижаида худудда экологик вазиетнинг ёмонлашувида йўл қўймаслик фермер ҳўжалигининг мажбурияти сирасига кирмади. Бироқ фермер ушбу қонун қоидалардан кўз юмган.

Бу эса ўз навбатида Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисмига қўра, фермер ҳўжалигининг ер участкасига бўлган ҳўқуқи ва ер ижараси шартномасини бекор қилиш учун асос бўлади.

Туман ҳокимлиги томонидан тақдим қилинган маълумотномага қўра, фермер нафақат ер ресурсларига нисбатан, балки ҳўжалик юритиш ишларига ҳам бир талай қўпол қонунбузилишларга йўл қўйган. Ҳўжалигининг бугунгача солиқ ва бюджет олдидан қарздорлиги 1.563.000 сўмни, «Қишлоқ ҳўжалик кимё» худудий акциядорлик бирлашмасидан 229.000 сўмни ташкил этган.

Бухоро вилоят ҳўжалик суди мазкур ишни қўриб чиқиб ер ижара шартномасини бекор қилди ва мавқуд қарзларни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Ер майдонини туман ҳокимлиги ихтиёрига қайтариб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун фермерларга ҳўда катта ишонтилар яратилган. Шахсан юртбошимиз томонидан фермерлик ҳаракатига катта аҳамият берилмоқда. Буни дилдан ён қилиб, масалага масъулият билан ёндашиш ҳар бир фермернинг бурчи. Ернинг увуоли тутмасин, деган фермер ўз ҳақ-қўқуқларини қадрлаши, гамҳўрлик, эътибор учун шўқронлик билдиради, шартнома мажбуриятларига амал қилиб, давлатга, ҳалққа зиён етказмайди.

Мустафо ЖҲРАЕВ,  
Бухоро вилоят ҳўжалик суди раиси ўринбосари,  
Валиқон ЮСУПОВ,  
«Инсон ва қонун» муҳбири

### Dakki

# Шартнома — лафз демакдир

Маълумки, шартнома корхоналар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишини қонуний воситасидир. Чунки ҳар қандай шартномада иккала томон узаро келишиб, маълум бир вазифани бажариш мақсадида зиммасида ҳўқуқ ва мажбурият олади. Шартнома — ҳалқ тилида айтганда лафз, демакдир. «Лафз қилдингми, албатта, бажар. Бўлмаса, ҳалқ орасида бебурд бўлиб қолади», дейди дошнамд бобларимиз. Шундай экан, узаро келишиб тузилган шартномаларни бажармасан ҳўжалик юритувчи субъект, янаям аниқроғи, унинг раҳбарини ҳам лафзсизликка айблаш мумкин.

Юртбошимизнинг 1995 йил 12 майда имзоланган «Ҳалқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154-сонли Фармонда ҳам барча мулкчилик шаклларидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва бюртмачиларга, агар улар етказиб берилмаган (бажарилмаган) ишлар, хизматлар) қўйилганини камда 15 фоизи микдорда олдидан тўламасалар, махсуслот жўнартиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши таққиланиши, муддати ўтиб, дебиторлик қарзи пайдо бўлишига йўл қўйётган корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига нисбатан маълумий ва моддий, ҳатто жинсий жавобгарликка тортиш чоралари қўрилиши кўзда тутилган.

Албатта, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш, етказиб берилган махсуслот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, ҳалқ ҳўжалигида тўлов интизомини мустаҳкамлаш мамлакат иқтисодий юксалтириши, турмушимиз фаровон бўлишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходимлари ушбу масалага доимий равишда масъулият билан ёндашиб келишди. Масалан, шаҳар адлия ҳодимлари томонидан Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 145 та ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш йўли билан шартномалар тузилиши ҳамда уларнинг ижроси ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижалари бўйича шартномалар ижроси таъминлашида шартнома мажбуриятлари, қонун талаблари бўлишига йўл қўйган маълум ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш, ушбу таққимномалар асосида 179 нафар маълум ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

Шундан 11 нафар раҳбар ходим эғаллаб турган давримиздан озод қилинган бўлса, 129 нафар маълум шахсга «ҳайфсан» берилди ва 39 нафар ходим эса жаримга тортилди.

Келинг, шу ўринда сўзимиз қўрқ бўлмаслиги учун бир-икки мисол келтириб ўтайлик. Масалан, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ошқ акциядорлик жамияти томонидан 2005-2006 йилларда тузилган шартномалар ҳамда уларнинг ижроси ўрганиб чиқилганда бир қатор салбий ҳолатларда дун келинди.

Жамият томонидан тузилган шартномаларнинг ижроси талов асосида ўрганилганда 4 та — умумий масъули 23.390.159 сўмлик шартномалар Президентимизнинг «Ҳалқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни талабларига эид равишда, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ошқ акциядорлик жамияти камда 15 фоизи микдорда олдидан тўлов амалга оширилмасдан хизматлар кўрсатилиб, бино ва транспорт асосатларини ижарага бериб юборилишига йўл қўйилганини аниқлади. Шунингдек, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ошқ акциядорлик жамияти билан «Ҳодимлар тайёрлаш маркази» масъулияти чекланган жамияти ўртасида коммунал хизматлар кўрсатиш учун белгиланган 9.350.116 сўмнинг камда 15 фоизи микдорда олдидан тўлов амалга оширилмасдан, шартнома талабига эид равишда «Ҳодимлар тайёрлаш маркази» масъулияти чекланган жамиятига 7.025.337 сўмлик комму-

нал хизматлар кўрсатиб келинган. Президент Фармонни ва шартнома мажбурият талабларининг корхона масъул шахслари томонидан қўпол равишда бўлиши оқибатида корхонага нисбатан қонуний чоралар қўрилмаган. «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ошқ акциядорлик жамияти билан ҳусусий тадбиркор Ш. Эргашев ўртасида йиллик ижара ҳақи 652.000 сўмлик бўлган мажбурий ижарага бериш юзасидан тузилган шартнома бўйича «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ошқ акциядорлик жамиятининг ҳисоб рақамига умумий сумманинг камда 15 фоизи микдорда олдидан тўлов амалга оширилмасдан шартнома талабига эид равишда ҳусусий тадбиркор Ш. Эргашевга фойдаланиш учун майдон 400 квадрат метр бўлган ер майдонини ижарага бериб юборилган.

Хулди ана шундай ноқонуний ҳолатта «Агрегат заводи» ошқ акциядорлик жамияти томонидан ўтган йилда тузилган шартномалар тузилиши ҳамда уларнинг ижросини ўрганиб чиқиб ҳар раёнида ҳам дун келинди.

Масалан, корхона томонидан тузилган шартномаларнинг ижроси ўрганилганда 21 та шартнома бўйича «Агрегат заводи» ошқ акциядорлик жамиятининг ҳисоб рақамига шартнома бақсисининг камда 15 фоизи микдорда олдидан тўлов амалга оширилмасдан махсуслот етказиб берилганига ва ўзаро ҳисоб-китоблар бартер усулида амалга оширилганини аниқлади.

Хусусан, «Агрегат заводи» ошқ акциядорлик жамияти томонидан «Фар Артеда» масъулияти чекланган жамиятига ТТЗ-100 К/11 русумли 1 дна 20.868.000 сўмлик трактор бартер усулида бериб юборилган.

«Фар Артеда» масъулияти чекланган жамиятига 508 дна 2.336.800 сўмлик подшпиклар, 19.164.000 сўмлик болларни ТТЗ-100 К/11 русумли 21.500.000 сўмлик 1 дна трактор айир-бошлаш тўғрисида тузилган шартнома асосида қонун талабларига эид равишда «Агрегат заводи» ошқ акциядорлик жамияти томонидан 15 фоиз микдорда олдидан тўлов амалга оширилмасдан «Фар Артеда» масъулияти чекланган жамиятидан подшпиклар ва болларни қабул қилиб олиш эвазига, жамияти бир дна трактор бартер усулида бериб юборилган.

«ТТЗ-Технопластик», «Курапла» ММТП, «Мустақил сертификат маркази» МЧЖ, «Ал-Носир ДНД» МЧЖ раҳбарлари ва «Агрегат заводи» ошқ акциядорлик жамияти раҳбарларининг ўз ишларига масъулиятсизликлари кўп микдордаги мол-мулк ҳисоб-китоби бартер усулида амалга оширилган. Энг ачинарлиси, ўрганиш вақтига қадар жамият раҳбарияти томонидан ушбу муддати ўтган дебиторлик қарзини қонуний ундириш чоралари қўрилмаган.

Албатта, юқоридаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан қонуний чора-тадбирлар белгиланди, таққимномалар киритилди. Бир сўз билан айтганда, барча ноқонуний ҳолатлар бартарарб этилди. Лекин келгусида ҳам шундай ҳолатлар содир этилмаслигига қим қаролат берилади? Шундай экан, ҳар бир раҳбар, у бошқараётган ҳўжалик юритувчи субъект, каттаими ёки кичиклигини, қанчалик назар, тузилаётган шартнома қонун талабига асосида ёндашиб, шартномада кўрсатилган шартларни оғишмасдан бажарса, эл-юрт орасида бебурд ва лафзсиз бўлиб қолайди.

Лутфулла УМЕРОВ,  
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси  
Шартномалар ҳўқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бош маслаҳатчиси

### Sung'i iylalarda respublikamizda qishloq hўjaligi sohasida jiddiy tarkibiy o'zgarishlar amalga oshirildi.

Авалло, самарасиз ҳўжалик юритиш шаклларида барҳам берилди. Зарар билан ишлайдиган жамоа, ширкат ҳўжаликлари ўрнига янги типдаги фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ташкил этилди. Натигада бугун республикамизда минглаб фермер ҳўжаликлари фаолият юрймоқда ва айнан шулар соҳанинг асосий ишлаб чиқарувчи қучига айланди. Бирок бу жараёнда ҳам баъзи ўринларда суст-қашликка, эътиборсизликка йўл қўйилмоқда.

Мана бир мисол: бир пайтлар Чироқчи туманига қарашли «Бешичашма» ширкат ҳўжалиги идорасининг шундққина ёнида ўн гектарлик олماзор бор эди. Богдан ҳар йили 60 тоннагача мева олиниб, давлат тайёр-

### Tahrirsiz maktub

# Олмазор қаерга кетди?

лов идораларига топширилди. Қолаверса, бу олмазор шу атрофдаги қишлоқларга шират, одамларга риёқ беради. Бундан етти-саккиз йил бурун олмазор деҳқон-фермер ҳўжалигига айланган бўлиб, шу жамоа ҳўжалигида яшовчи ака-ўя Фафуровлар уч у ярим гектардан бўлиб берилди-ю, ўша йилдан бошлаб яшнаб турган боғнинг қурғиқа, нуфусига пугур ета бошлади. Ака-укаларнинг «меҳнатсеварлиги» боис, пайвандсиз, вақтида сув таралмайдиган қолаётган дарактлар ҳосилдан қола бошлади. Бу «тадбиркор дейдон»лар эса

ҳар йили сугурта идоралари билан келишим ҳолда олмазорни «совуқ урди»га чиқараверди. Натигада туپла-тузқ ҳўқ хосил бериб турган боғ ўз-ўзидан қуриб бошлади. Минг афсуски, мана шу тарздаги фаровонлик оқибатида не-не машаққатлар эвазига бино бўлган олмазор қуриб битмоқда. Ахир, давлат боғини ижарага берганда, ижарадор шу боғни йўқотсин, деб бермаган-ку!

Биз мазкур ҳўжаликда кўп йиллар давомидда турли ла-возиматда ишлаган, боғнинг яратилишига ҳам хизматли синган одамларимиз. Бирор

қурганини биров бузади, деганлари ҳақ гап эканини шу боғ мисолида кўриб. Бу ерда қанча одамларнинг пешона тери тўқилган. Бирор экан, бирор сув тараган, бирор офтобнинг тигида ором билмай мол-ҳолдан қўриқлаган. Кўп йиллик меҳнатлар эвазига пайдо бўлган эди, бу боғ. Унинг меваси давлатга топширилган, қишлоқ аҳли баҳараманд бўларди. Бугун-чи, бугун эса... Аҳоли шу тахлит давом этса, келгуси йилларда олмазорнинг ўрнидан янқот ўриб олишимиз турган гап. Нима биз эртага болаларимизга ўзимиздан янқот-

зор қолдирамизми? Шундай экан, бу ҳақда бугун уйлама-сақ, эртага кеч бўлиши мумкин.

Дарвоқе, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, одамларнинг дунёқарашини, онгу тафаккури юксалиб, бу — менинг юртим, бу — менинг Ватаним, унинг уюми, деган фикр билан яшаш ҳисси пайдо бўлсагина янги-янги марраларни қўлга киритамиз.

Сайдулла ҚАХРАМОНОВ,  
Нормўнни ПОРМОНОВ,  
Бобомурод НУРМАТОВ

### Islohot va mas'uliyat

# Бой берилган фойда

адлия идоралари аралашувидан кейин ундириб олинди

Юрт фаровонлиги тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган удабурон қишлоқда боғиқ экани бугун янглик эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил январь-февралда бағишланган йўғлишида Президентимиз томонидан бидирилган фикрлар ва келтирилган рақамлар ҳам шундан далолат беради. Яъни ички махсусотда ҳусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг улуғи тобора ортиб бораётгани давлат томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани, ҳусусан, солиқ юкисини йилдан-йилга, камайтириладигани, қонун асосида кредитлар бериладигани самарасиз равишда Президентимиз томонидан қишқик бизнес ва тадбиркорликнинг изчил усашиши таъминлаш, яъни ички махсусотдаги улуғини 2010 йилга бориб 50-52 фоизга етказиши вазираси қатъий қўғишгани биз адлия ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкляди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан мунтазаб ўтказиб келинаётган мониторинг тадбирлари, шикоят тўшаётган ариза ва келишотлар оқими ҳамон айрим мутасаддилар тадбиркорликнинг иқтисодий тизимиздаги ўрнига муносаб баҳо бермаётганидан далолат беради. Утган йили вазирлигимизга 136 та шикоят келиб тушди. Солиқ қонунчилигининг бузилиши, кредит олишдаги муаммолар ва ер ажратишининг пайсалга солиниши фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шикоятларнинг аксарияти қисми тадбиркорликка оид қонунлар бузилиши билан боғлиқ экани ташвишлиқдир.

«Айдин жол» Қорақалпоғистоннинг йирик савдо мажмуаларидан бири. Бу бозор марказ аҳолисининг қийим-кечак ва маийий-ҳўжалик молларига бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида республикада савдо маданияти-

нинг намунаси ҳисобланади. Бирор эл ҳақидаги дастлабки таассурот бозордан олинди. Мазкур савдо мажмуаси замонавий ишоотда жойлашган. Бир гуруҳ тадбиркорларининг шикоятига билдирилганича, бозор мажмуриятининг ўзбосиқчилиги уларнинг норозилигига сабаб бўлган. Маъмурият қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чикарса қабилида иш тутиб, иморатнинг биринчи қаватида жойлашган савдо лотокларини бузиб, ўрнига 16 та дўкон қурган. Бу ҳолат ўрганиб чиқилганда қурилиш тегишли тартибда ҳужжатлаштирилмагани аниқланди. Қолаверса, дўконлар қурилиши қўзлаб ноқулайликларга сабаб бўлган.

Бино ичкарисига тўшаётган ёруғлик йўли тўсиб қўйилган, шамоллатиш (вентиляция) тармоғи бузилган. Енгиин ҳафсизлик қондаларига риюя этилмаган. Бино устунлари (конструкциялари) заифлашган.

Фавқуллода вазиетларда чиқиқ эшикларининг 3 таси тўсиб қўйилган. Йўқларнинг торайиб қолгани тадбиркор ва харидорлар учун ноқулайликлар туғдирган. Бир сўз билан айтганда, қунига минглаб харидорларга хизмат кўрсатаётган тадбиркорларнинг ҳўқуқларини поймол этилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини қўзлаб, ноқонуний ҳаракатларни тўхтатиш ва тадбиркорлик билан шугулланиш учун қулайликлар яратиб бериш тўғрисида бозор маъмуриятига таққимнома киритилди. Кўрсатилган кам

**Шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳақидаги тушунча бугун халқимиз онги-тафаккурдан чуқур жой эгаллиги ҳаммамизга бирдек аён. Авваллари ушбу масала фақатгина айрим ишора ва таъкилотлар раҳбарлари, фермер ва тадбиркорлар, ҳуқуқшуносларнинг эътиборини тортган бўлса, эндиликда у ҳақда олмасининг барча табақаларига дахлдор масалалардан бирига айланган. Шартномавий муносабатлар қишлоқ ҳўжалигида, айниқса, муҳим аҳамият касб этишини ҳам ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.**

E'tirof va e'tiroz

# Ҳиммат сиздан — ғайрат биздан

## шиорига рияя этилса, шартномавий муносабатлар бажарилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисидаги» Фармони ағрар соҳада шартномавий муносабатларни янада чуқурлаштириш, тақомиллаштириш, махсуслот этиштирувчилар билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги битимлар ижросини таъминлашда жиддий бурилиш ясади. Бунинг ижобий натижаларини Хоразм вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ижро интизоми қишлоқда ҳўжалик юритувчи, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг мезонига айланганлигини тасдиқловчи далиллар анчагина. Статистик маълумотлар шартномавий мажбуриятларга рияя қилмаслик, уни лозим даражада бажармаслик ёки бажаришдан бўйин товлash ҳоллари қаматганлигини кўрсатмоқда. Вилоятда пахта ва галла этиштириш бўйича тузилган контрактация шартномалари ошириб адо этилаётганлиги зимматдан мажбуриятларга нисбатан камбарбасталикни аққол ифода этди. Бу каби ютуқларда ҳуқуқий таъсир чораларининг ҳам ўрни ва роли бор.

Утган йил давомида вилоят Адлия бошқармаси томонидан жами қиймати 101,9 миллиард сўмлик 61

минг 968 та шартнома мажбуриятлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида қиймати 2 миллиард сўмдан зиёд бўлган 12 минг 457 та шартнома мажбуриятларида турли чалқашлик ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Бундан ташқари, назорат тадбирлари жараёнида 1068 та ҳолатда амалдаги шартномаларда қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар бўйича ҳам тегишли ишора ва таъкилотларга тасдиқнома ва огоҳномалар киритилиб судларга даъво аризалари киритилди.

Жумладан, Кўшкўпир туманида фаолият кўрсатиб келаётган «Ушунуд» фермер ҳўжалиги раҳбарининг мурожаатини ўрганиб чиқиш жараёнида шу тумандаги соёбқ М.Раҳимов номли ширкат ҳўжалигини тугатиши ва унинг негизда фермер ҳўжаликларни тузиш комиссияси ўртасида юзага келган низоли ҳолат батафсил ўрганилди. Аён бўлишича, мазкур комиссия «Ушунуд» фермер ҳўжалигига машиналарга ёқилги қўйиш шохобчасининг бино ва иншоотлари ҳамда ҳўжалик омборхонасини расмий равишда биржа савдолари орқали сотган. Бироқ сотилган мулкни эгасига топшириш, олди-сотди шартномасини расмийлаштириш узоқ муд-

дат пайсалга солиб келинган. Аниқроғи, комиссия раиси ушбу ҳўжжати имзолашдан оқибатига бош тортиган. Оқибатда мулкни топшириш ва қабул қилишга доир далолатнома ҳам оқибатига қўйилган эдим. Шу аснода режалар назорат тадбирлари асосида жами 13902 та қонунбузилиш ҳоллари аниқланди, уларни бартараф этишга эришилди. Фермерларнинг бузилган ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоя қилиб, мутасадди ишора ва таъкилотларга жами 80 та тақдирнома, 38 та огоҳнома йўллади. Натижада ҳуқуқий таъсир чоралари ўз натижасини берди. Тақдирнома ва огоҳномаларда қўйилган масалалар ижобий ечим топди. Шу аснода режалар назорат тадбирлари асосида жами 13902 та қонунбузилиш ҳоллари аниқланди, уларни бартараф этишга эришилди. Фермерларнинг бузилган ҳақ-ҳўқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар ҳам ўз самарасини берди. Шартномавий муносабатларга амал қилмаслик оқибатида 284 та фермер ҳўжалигига етказилган 128,5 миллион сўм миқдордаги моддий зиёни қоплаш ва маблағ билан боғлиқ бўлмаган яна бир қатор қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан суднинг ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Нафсаламбронли айтганда, айрим фермер «бобо»ларимиз ана шундай ғамхўрликлардан ҳулоса чиқармоқлари даркор эди. Афсус, гуруҳ қурмасиз бўлмаганидек, фермерлар орасида ҳам қонунга нисбатан бепасандлик ҳолатлари аниқланди.

Адлия ҳодимлари томонидан ушбу таъкилотлар назорат тадбирлари давомида 2006 йили пахта етказиб бериш юзасидан тузилган контрактация шартномалари вилоят бўйича 248 та фермер ҳўжалиги томонидан бажарилмаганлиги аниқланди. Утказилган назорат тадбирлари асосида унинг сабаблари тўла оидинлашди. Афсуски, бу ўринда фермерлар фаолиятини оқлаш учун ҳеч қандай асос топилмади. Ишни батафсил ўрганиш деб инстанциялари вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган даъво аризаларини асосли деб топди ва етказилган моддий зарарни жавобгарлардан ундириш бўйича ҳал қилув қарорларини чиқарди. Суд ҳукмини адолатсиз деб ҳисоблайми. Негаки, ҳар қим эканлигини ўради. Итилган ва изланганлар меҳнатини муқофоти олишди. Шартномавий мажбуриятга бепасанд қараганлар эса қилмишларига яраша жазосини олишди.

Фарход ЭШНАЗАРОВ, Хоразм вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи, Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашни давлатимиз ривожининг, мамлакатимизда барқарор тинчликнинг, турмушимиз фаровон кечилишининг асосий омилдир. Қонунчиликка рияя этилиши йўлида билими, талабчанлиги ва фаолиги билан эл орасида эътибор қозонаётган ҳуқуқ ҳимоячилари қўллаб топилди. Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 1-сон давлат катта нотариуси Матлуба Негматова ана шундай фидойи ҳодимлар сирасида.

Қаҳрамонимиз ўн йилдирки, нотариат соҳасида ишлаб келмоқда. У Адлия вазирлигининг Малака комиссияси аъзоси. Тажрибали ҳодима билан суҳбатимиз унинг касбига оид саволлар билан бошланди.

### Faoliyat

